

Санобар АҲМЕДОВА

# ОРЗУЛАРНИНГ СЎНГСИЗ УММОНИ

МАҲБУРИЙ НУСXA

Қарши  
«Насаф» нашриёти  
2013

84(55)7-438.ағаб.

УЎК Ұз.28

КБК 84 (5Ўзб)-3


А 97

Санобар Аҳмедова атрофини қуршаб турган борлиқни, Ватanning мусаффо осмони-ю, бетакрор табиатни болаларча соф меҳр билан ардоқлайди.

Ота-онасига, яқинларига кўнглидаги энг самимий тилакларни шеър орқали ифодалашга ҳаракат қилади.

Санобарнинг соф туйғулари шеърят шаклида қанот ёзаверсин деймиз.

41392  
Ю 41392



А  $\frac{4702620202-43}{376(05)2013}$  43-2013 © С. Аҳмедова, 2013 йил.

© “Насаф” нашриёти, 2013 йил.

ISBN 978-9943-18-141-0

## БУ МЕНИНГ ОНАМДИР

Ширин сўзлари,  
Қора кўзлари.  
Бу менинг онамдир,  
Бу менинг онамдир.

Менга ҳамхона,  
Дуст-у дугона,  
Бу менинг онамдир,  
Бу менинг онамдир.

Ўзи киймай кийдирган,  
Ўзи емай едирган.  
Бу менинг онамдир,  
Бу менинг онамдир.

## АТИРГУЛ

Атиргулни азалдан,  
Ҳидга бой деб аташган.  
Тиканлари найза-ю,  
Навдаси ёй аташган.

Гуё қизил, қирмизи,  
Сулув қизлар ёлғизи.  
Аммо ёлғиз эмас у,  
Ёнида бор найзаси.

Қизилми у ё оқми,  
Дустлик рамзи сариғи.  
Барибир у атиргул  
Боғ аро якка сунбул.

## ВАТАНИМ

Эй менинг гул Ватаним,  
Йигирмага тўлдингми.  
Йигирма йил ичида,  
Шунча чаман бўлдингми.

Ютуқларинг санасам,  
Етмадим саногига.  
Шунча йил чидадингми,  
Жудолик филогига.

Сени деб бўлди қурбон,  
Неча минг азаматлар.  
Бўдилар ҳам қатагон,  
Неча минг фидойилар.

Мустақилсан минг шукур,  
Барчада битта фикр.  
Яшна Ватан умрбод.  
Бачамиз яшайлик шод.

## ҲАР КУНИНГ БАҲОР

Бахтимдан ўргилай,  
Оҳ чаман улкам.  
Бу кун сен чамансан,  
Бир ажиб кўркам.

Сени таърифлашга,  
Қаламимдир лол.  
Менинг ҳур улкам,  
Ҳар кунинг баҳор.

## ШИФОКОРЛАР БАЙРАМИГА

Онам ва дадамга

Ўз элига зиёкор,  
Жон аямас фидокор.  
Шифо берар барчага,  
Қизғанмайди шифокор.

Сўзида тўла шифо,  
Ёмон сўзламас аммо.  
Беморни малҳам бирла,  
Даволар сўзи аъло.

Барча шифолар кони,  
Мўъжизалар макони.  
Бемор шифо топган жой,  
Шифохонадир номи.

Тишми, бошми оғриғи,  
Қизиқтирар соғлиғи.  
Бугун сизнинг тўйингиз,  
Қутловлар йўқ саноғи.

Дуо қилар ёш қари,  
Мақташар сизни бари.  
Соғлик ҳамиша даркор,  
Бор бўл элда шифокор.

## УСТОЗ УЛУҒ

Баҳор чечаги устоз,  
Мактаб безаги устоз.  
Билим макони тенгсиз,  
Меҳр уммони чексиз.

Сабри тоғлардек бутун,  
Одобни қўяр устун.  
Аъло ўқисанг билгин,  
Мақтайди сени ҳар кун.

Устоз суйиб эркалар,  
Ёмон бўлсанг тергалар.  
Эп қўради яхшилик,  
Раво қўрмас ёмонлик.

Қадрига ет у зотнинг,  
Бошга кўтар устозни.  
Ёдингда тутгил ҳаргиз,  
Устоз улугмас бежиз.

## ИЛМ

Илм-бу бир мўъжиза,  
Китоблар ҳам албатта.  
Илмга чанқоқлик яшар,  
Илм излайди барча.

Боши бор, йўқ охири,  
Илм кўнгил гавҳари.  
Мактаб деган даргоҳда,  
Жамланган унинг бари.

Менинг зукко тенгдошим,  
Олмоқчи бўлсанг илм.  
Қолдирмай ҳеч дарсингни,  
Чиниқтиргин ақлингни.

## МИННАТДОРМАН

Тутиб устоз қўлидан,  
Қадам ташлаб йўлидан.  
Билим олиб ул зотдан,  
Миннатдорман устоздан.

Қуёшдек буюк устоз,  
Билимга тўлиқ устоз.  
Ҳатто илм макони,  
Қалбга муҳрлар устоз.

Ҳар бир қирқ беш дақиқа,  
Қалбимда бир саҳифа.  
Жой олади беқиёс,  
Муъжизакордир устоз.

Жаннат фариштасисиз,  
Мактаб сариштасисиз.  
Чекдингиз минг заҳматлар,  
Раҳмат сизга устозлар.

## КУТУБХОНА

Китобларнинг макони,  
Илму ҳикматлар кони.  
Чегарасиз томони,  
Беҳисоб китоб сони.

Алишмасдим мен агар,  
Кутубхонам бўлса гар.  
Керакмас эди ҳарна,  
Керакмас дуру гавҳар.

Олам-олам қувончни,  
Ҳис этдим ул манзилда.  
Китобларга тула ҳаёт,  
Китоб сеҳри ҳар дилда.

Хуллас, барча дунёда,  
Кафе барлар урнида.  
Кутубхона бор бўлсин,  
Дилимизга ёр бўлсин.

### СИНФДОШЛАРИМГА

Сизларга тилайман,  
Бир эзгу тилак.  
Эришинг дунёда,  
Бўлса не керак.

Бор эзгу тилаклар,  
Бўлсин сизларга.  
Азиз синфдошларим,  
Ўгил-қизларга.

## ВАТАН

Ватан сўзи ўзида,  
Жам бўлади бир жаҳон.  
Бу жаҳонда барчамиз,  
Яшаймиз тинч фаровон.  
Она тилим ватаним,  
Ҳар қаричи чаманим.  
Камдир қанча мақтасам,  
Ҳатто у деб куйласам.  
Ўзбегимни мен бугун,  
Кенг жаҳонга мақтайман.  
Урфин, одат-удумин,  
Ер-фазодек асрайман.  
Ўзбекистондир бу жой,  
У шундайин мўътабар.  
Ҳар қаричи мунаввар,  
Ватанини севади.  
Ана шундай Санобар.

## ЙИГИТЛАРГА ТИЛАК

Йигитлар белидан,  
Тушмасин белбоғ.  
Доимо қўлласин,  
Қудратли илоҳ.  
Сабрингиз метин,  
Иродангиз тоғ.  
Виждон чегарангиз,  
Булмасин доғ.

## ОНА ТИЛИМ

Юртимда ярақлаб,  
Қуёш бўлиб чарақлаб.  
Осмонимда ой тилим  
Ҳикмат сўзга бой тилим.

Сен борсан осмонларда,  
Чарақлар она тилим.  
Она тилин ўзида,  
Жам бўлади кўп маъно.

Барча тиллар ичида,  
Ўзбегим тили аъло.  
Олмошсиз битмас ҳеч иш,  
Буни тасдиқлар равиш.

Феъл билан от, сифат, сон,  
Анча сўроқларга кон.  
Вазифаси турлича,  
Сўз туркумидир барча.

Она тили юраги,  
Чиройли ёзув албат.  
Ҳар ишимиз бошида,  
Вазир турар ҳуснихат.

Хуллас, аълочи синфдош,  
Тил билган бўлмайти кам.  
Демак она тилини,  
Билиб қўйинглар сиз ҳам.

Алифбонинг охири,  
Кенжатой тутуқ белги.  
Ундов ва сўроқ гапта,  
Шеърим яқунлар нуқта.

## ИЛҲОМИМ КЕЛСА

Илҳомим келса бироқ,  
Шеър ёзаман илдамроқ.  
Қулимга олиб қалам,  
Ёзаман олам-олам.  
Эртак-у ривоятларим,  
Шеърү ҳикоятларим.  
Ҳаммага ҳам ёқади,  
Сув оқмаган ерларда.  
Меҳр бўлиб оқади,  
Илҳомим келса бироқ,  
Шеър ёзаман илдамроқ.

## ГУЛЛАР

Ҳаёт безаги гуллар,  
Бизларга керак улар.  
Қувонтириб кўзларни,  
Ёриштирар юзларни.  
Ярашади чакканга,  
Тақиб қўйсанг уларни.

Кайфиятинг чоғ қилар,  
Ғоят кўнглинг тоғ қилар.  
Ифорлари муаттар,  
Улардир гуё анбар.

## ҚИЗЛАРГА ТИЛАК

Қизларга тилайман,  
Олтиндан сарой.  
Донолигингиз кетсин,  
Етти дунёга.  
Ҳавас қилсин сизга,  
Дусту дугона.  
Биллур бошмоқ кутсин,  
Кумуш остона.  
Йўлингиз пойласин,  
Олтиндан файтун.  
Ҳурматда ўтсин,  
Умрингиз бутун.  
Бахтингиз кулсин,  
Гуёки қуёш.  
Бошингиз безаги,  
Бўлсин тиллақош.

## КЕЛАЖАҚ ТАРИХНИ БИЛИШДАН БОШЛАНАДИ

Тарихни билмасдан,  
Маълум бўлмас келажак.  
Демак тарихни билган,  
Келажакни билажак.

Бизга олий бурч эрур,  
Ўз эл тарихин билмоқ.  
Ўз тарихин билганни,  
Яна бурч эъзоз қилмоқ.

Тарих сени билгунча,  
Аввал сен тарихни бил.  
Авлодинг кимлар бўлса,  
Сен ҳам ўшалардек бўл.

## КҮЗ ҚОРАМДЕК АСРАЙМАН

Менинг она ватаним,  
Донғи достон чаманим.  
Мақтасам ҳам ҳар қанча,  
Камдек туюлар шунча.

Қай тарафинг мақтайин,  
Яшнаб боргин кун сайин.  
Биз баҳраманд бўлайлик,  
Нур сочгин қуёшдайин.

Ҳар тарафинг муаттар,  
Гуллолалар уралган.  
Сенинг ҳар бир фарзандинг,  
Шу гуллардан яралган.

Сени, она ватаним,  
Ҳар шеъримда мақтайман.  
Керак бўлса, ватаним,  
Күз қорамдек асрайман.

## ДАДАМ ДОИМ ШУНДАЙ ДЕР

Ҳалол бўлсин болам дер,  
Жоним болам бутам дер.  
Доим инсофли бўлгин,  
Виждонингга қулоқ тут,  
Дадам доим шундай дер.

Кам бўлмасин болам дер,  
Олим бўлсанг қанийди.  
Ҳеч бўлмаса одам бўл,

Эгри бўлма тўғри бўл.  
Дадам доим шундай дер.

Майли белим букчайсин,  
Майли сочим оқарсин.  
Ажин улгур кўпайсин,  
Аммо болам ўқисин,  
Шундай дейди дадалар.

### ОПАЖОНИМ

Менинг битта опам бор,  
Фақат якка-ягона.  
Исми жисмига монанд,  
Дейишади Ирода.

Меҳри чексиз, самимий,  
Менга сирдош ҳақиқий.  
Покиза қалб сизда бор,  
Умр тилвйман боқий.

Сизга эзгу дунёдан,  
Беғубор тилак қилдим.  
Сиздайин тополмайман,  
Буни мен энди билдим.

Ўқишни тез тамомлаб,  
Бўлинг катта ҳамшира.  
Бор эзгу тилак сизга,  
Шифокор бўлинг тезда.

## МУНДАРИЖА

Бу менинг онамдир.....	3
Атиргул.....	3
Ватаним.....	4
Ҳар кунинг баҳор.....	4
Шифокорлар байрамига.....	5
Устоз улуғ.....	6
Илм.....	6
Миннатдорман.....	7
Кутубхона.....	8
Синфдошларимга.....	8
Ватан.....	9
Йигитларга тилак.....	9
Она тилим.....	10
Илҳомин келса.....	11
Гуллар.....	11
Қизларга тилак.....	12
Келажак тарих.....	12
Кўз қорамдек асрайман.....	13
Дадам доим шундай дер.....	13
Опажоним.....	14

**АДАБИЙ - БАДИИЙ НАШР**

**Санобар АҲМЕДОВА**

**ОРЗУЛАРНИНГ СЎНГСИЗ УММОНИ**

Муҳаррир:	Ю. Зиёдов.
Техник муҳаррир:	Ч.Раҳмонов.
Мусахҳиҳ:	Ю. Зиёдов.
Саҳифаловчи:	Ш.Алишер қизи.

Наприёт лицензия № АІ 139, 27.04.2009 йил. Теришга 11.04.2013 йилда берилди. Босилга 16.05.2013. йилда рухсат этилди. Бичими 84x108<sub>1/32</sub>. Офсет қоғози. BodoniTAD гарнитураси. Офсет усулда чоп этилди. Шартли босма табағи 0,84. Нашр босма табағи 0,43. 20-2013 шартнома. 30-букюртма. 100 нусхада. 16 бет. Эркин нархда.

«Насаф» наприёти, 180118, Қарши шаҳри,  
Мустақиллик шоҳкучаси, 22-уй.

«Қаршиполиграфнашр» МЧЖда чоп этилди.  
180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳкучаси,  
22-уй.